

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OBILA DAVTRASIDA

№ 24
(474)
2021-yil
3-iyun
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gaze

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



1 ИЮНДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Пенсия ва нафақаларни
тайинлашда қулайлик

4-бет.

Марҳамат,

мана –

440 МИНГ

СЎМЛИК САВАТЧА!

Айтиб кўяй,

энди **Камбағал эмассиз!..**



Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатларининг миқдори 440 минг сўм этиб белгиланибди. Бу ҳақда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хабар берди.

Вазирликнинг изоҳ беришича, минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш учун тажриба сифатида Жаҳон банки кўмагида 2020 йилда республиканинг барча ҳудудларидан танлаб олинган 5 400 та уй хўжаликларидан сўровнома ўтказилган. Сўровномада иштирок этган уй хўжаликлари харажатлари миқдори бўйича ўн та гуруҳга ажратилиб, ушбу оилалар орасидан энг кам харажат (даромад) га эга бўлган 30 фоиз уй хўжаликлари ажратиб олинди.

Сўровнома натижасида олинган маълумотлар асосида мазкур оилаларда жон бошига кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат

(2200 ккал) ва зарур бўлган ноозик-овқат товарлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлар бир ойда киши бошига (жорий йилдаги нархлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда) камида 440 минг сўмни ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинди.

Ҳисобланган минимал истеъмол харажатларининг жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотга нисбати (ЯИМ) 26,8 фоиз бўлиб, мазкур кўрсаткич ривожланаётган мамлакатларда асосан 4-20 фоизни ташкил этади.

Минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш тажрибасини якунига етказиш мақсадида 2021 йилда Давлат статистика қўмитаси Жаҳон банки билан бирга 10 мингта уй хўжаликларидан сўровнома ўтказилмоқда. Мазкур сўровномалар натижасидан келиб чиқиб, жорий йил якунига қадар минимал истеъмол харажатларни ҳисоблаш методологиясини тасдиқлаш ва уни қайта ҳисобланган миқдорини эълон қилиш кўзда тутилмоқда.

Ана, холос! Кутганмидингиз? Демак, бундан келиб чиқиб айтиши мумкинки, бир ойда киши бошига 440 минг сўм камбағаллик чегараси бўлиши тақдир этилган. Бундан биров кўпроқ тояпсизми, демак камбағал эмассиз. Агар минимал истеъмол харажатларининг миқдори киши бошига 440 минг сўм этиб белгиланидиган бўлса, Ўзбекистонда камбағал одам қолмаслиги аниқ. Яшасин, вазирлик ишляпти! Камбағалликни қисқартириш мана бундай бўлади!..

ҲАР КИМ ЎЗ «АРАВА»СИНИ ЎЗИ БИЛГАНИЧА ТОРТИШ ВАҚТИ ЎТДИ



XXI асрнинг энг катта муаммоларидан бири шубҳасиз глобал иқлим ўзгариши бўлиб қолмоқда. Инсоният яхши яшаш илинжида табиатга нисбатан беаёв муносабатда бўлиб келди ва натижада сайёрамиз мувозанати издан чиқди.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши 1850 йилдан бошланган бўлса, бугунга келиб қарийб 1 даражага ошди. Агар у 2 даражага етса, инсоният учун катта экологик фалокатлар пайдо бўлиши мумкин.

Мутахассисларнинг қайд этишича, аср бошида ўртача глобал ҳарорат Цельсий бўйича 0,89 даражага кўтарилди ва бу 1400 йил давомидаги энг юқори кўрсаткичдир. Хавотирли томони, бу – жараён тўхтагани йўқ. Яқин ўн йилликда қишда ҳарорат 20-30 даража иссиқ бўлиши, аксинча, ёзда эса совиб кетишини кузатиш мумкин. Бу эса ичимлик сув манбаи ҳисобланган музликлар захирасининг камайишига сабаб бўлмоқда. 1960 йилдан бугунги кунга қадар ердаги қор ва муз қоплами 15 фоизга қисқарди.

30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан Сеул шаҳрида видео-анжуман шаклида ўтган «Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030» иккинчи халқаро саммитида иштирок этгани бежиз эмас. Чунки юқорида қайд этилган глобал муаммо Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Мамлакатимиз раҳбари саммитда сўзга чиқиб, «яшил» ва барқа-



рор тараққиётга хизмат қиладиган самарали қарорлар қабул қилиш учун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатлари бирлашиши зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистон ташаббуси билан Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қўллаб-қувватлаган давлат раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Мазкур йўналишдаги ишларни, жумладан, махсус ташкил этилган БМТ Траст жамғармаси, Яшил ўсиш глобал институти, «P4G» шериклик платформаси ва бошқа халқаро институтлар доирасида биргаликда фаол давом этиришни таклиф қилди.

Саммитда Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилга қадар иссиқхона газларни атмосферага чиқаришни қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган маж-

буриятларини бажаришга содик экани маълум қилинди. Шу маънода Ўзбекистон «яшил» технологияларни янада кенгроқ жорий қилиш ва «яшил» энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш йўлидан боради. Бу эса қайта тикланадиган энергия манбалари улуши яқин ўн йилда 3 баробардан зиёд бўлишини таъминлайди.

Маълумки, халқаро анжуманларда Ўзбекистон раҳбарининг минтақа ва глобал муаммолар ечимига қаратилган муҳим таклифларни бериши одатга айланган. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Сеул саммитида мамлакатимиз раҳбари келгуси йили Ўзбекистонда «Ривожланаётган мамлакатлар учун яшил энергетика» мавзусида халқаро конференция ўтказиш, шунингдек, «яшил» истеъмол маданиятини шакллантириш мақсадида «яшил» иқтисодий барпо этишга ёшларни жалб этиш бўйича махсус дастурни амалга ошириш ташаббусларини илгари сурди. Иштирокчилар томонидан бу таклиф илиқ қарши олинди.

Бугун она табиат билан боғлиқ экологик муаммоларни бир давлат ёки бир минтақа микёсида ҳал қилиб бўлмай қолди. Ҳамкорликдаги самарали ҳаракатлар билангина муаммоларни тўхтатиш мумкин, холос. Яъни, бу масалада ҳар ким ўз «арава»сини ўзи билганича тортиш вақти ўтди.

Ғайрат САҒАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимиздаги барча болажонларни табриклади. Сенат раиси бахтиёр болалар – миллат кучи эканини эътироф этиб, бу кунда дунё болалари учун турли сермазмун тадбирлар ўтказиш билан бирга болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил қилинишини қайд этди.

Танзила НОРБОЕВА: БАХТЛИ ВА ФАРОВОН БОЛАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА МАСЪУЛМИЗ

«Мамлакатимизда болаларимизнинг соғлом, билимли, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун диққатга сазовор

ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги куннинг мураккаб бўлган шароитларига қарамай оила, оналик ва болаликни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус дастурлар амалиётга киритилмоқда.

Шу билан бирга, биз бу борада қандай муваффақиятларга эришганимиз ҳақида эмас, балки яна қандай чоралар кўришимиз тўғрисида ўйлашимиз зарур. Зеро, айнан болалик ва ўсмирликда инсон дунёқараши шаклланади, унинг салоҳияти, кўникмалари ривожланади.

Биз ёш авлодни турли ноҳуш вазиятлардан ҳимоя қилиб, ҳар бир фарзандимизга меҳр-муҳаббат улашиши, уларга гамҳўрлик кўрсатиши, бахтли ва фаровон болалигини таъминлаш учун масъулмиз. Бу барчамизнинг олдимизда турган энг асосий вазифадир».



ЭШИТДИНГИЗМИ?



Бу ҳақда АҚШнинг YouTube видеохостинги янги қоидаларида эълон қилинган. Компания 2021 йил 1 июндан ушбу платформага жойланган барча видеоларга реклама роликларини қўшади.

Ёзнинг биринчи кунидан Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда YouTube'нинг янгиланган фойдаланиш шартлари, жумладан, видеохостинг орқали контентдан пул ишлаш ҳуқуқи амал қила бошлайди. Бунга қўра, ҳатто YouTube'нинг «Ҳамкорлик дастури»га уланмаган видеоларга ҳам реклама жойлаштирилади.

Шунингдек, АҚШдан ташқарида яшовчи барча контент яратувчиларнинг даромадлари роялти ҳисобланади ва АҚШ қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилади.

ТАРМОҒИДАГИ БАРЧА ВИДЕОЛАРДА РЕКЛАМА ПАЙДО БЎЛАДИ

(Изоҳ: «роялти» — патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, франчайзалар, табиий ресурслар ва бошқа мулк турларидан фойдаланганлик учун лицензия тўлови тури, одатда пул билан бериладиган даврий компенсация). Бирок, бунда фақатгина АҚШда томоша қилинган учун олинган даромадлар солиққа тортилади. Бу нафақат томоша қилишдан келадиган даромадларга, балки YouTube Premium, суперчат ва ҳомийлик масалаларига ҳам тааллуқли.

Шу муносабат билан барча муаллифлар солиқ маълумотларини — СТИР, юридик шахс номи ва тижорий номини Google AdSense хизматига 31

P.S. Таъкидлаш жоизки, аввалроқ Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги YouTube видеохостинг маъмуриятига Ўзбекистонни «Ҳамкорлик дастурлари» рўйхатида қўйиш борасида кўп мартаба мурожаат қилган.



майга қадар юбориши керак. Агар ушбу маълумотлар белгиланган муддат ичида юборилмаса, видеохостинг томоша қилишлар сони орқали тушган даромаднинг 24 фоизгача ўзида сақлаб қолиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

Болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важдари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

ФОЖИАЛИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ КАМАЯДИМИ?

Республикада йўл ҳаракати соҳасидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва амалий муаммоларни бартараф этиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тузилди, дея хабар бермоқда Ички ишлар вазирлиги.

Гуруҳ таркибига Ҳукумат, ички ишлар, транспорт, молия вазирликлари, автомобиль йўллари қўмитаси ва бошқа мутасадди идоралар ва ташкилотларнинг раҳбар ва малакали мутахассислари киритилган.



Гуруҳ томонидан йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишнинг бугунги кундаги ҳолати комплекс равишда ўрганилиб, илғор хорижий тажрибаси ва илмий ёндашувларни қўллаш асосида норматив-ҳуқуқий ва манзилли ташкилий-амалий чоралар ишлаб чиқилади.

«ТЕМИР ДАФТАР» ТЕМИРДАНМИ?

Айтилган гап қоғозда, оғизда қолиб кетаверса... Шунда давлат идораларига халқ ишонадими?

«**С**арвиноз Жумабоева 2005 йил 28 апрелда Қўшқўпир туманидаги Ғозовот қишлоғида туғилган. Биринчи гуруҳ ногирони. Ётоқ касал. Бугун у 15 ёшида, кап-катта қиз, аммо, афсуски, юролмади. Онаси Санамжон Маткаримовага кўра Сарвиноз гўдаклик чоғида эмланишдан кейин ногирон бўлиб қолгани айтилади.

Бу оила маҳаллада эл қатори яшаб келаётган хонадонлардан. Бирда емак, ичмак, яшамокқа пул топишса, бирда топмай, яшаш учун курашиб, мол-ҳол, товук боқиб, мўъжазгина томорқасини экиб, шундан чиққан ҳосилга қаноат қилиб келаётган оилалардан бири. Хўш, шундай қийналиб қолишган экан, маҳалла фуқаролар йиғини, туман хотин-қизлар кўмитаси қаерга қараяпти, дерсиз? Ёрдам берилаётгандир, давлатимиз Сарвинозга ўхшаган ногиронларни бир чеккага ташлаб қўйгани йўқ, дерсиз?

Бе-е, қаёқда?! Йиғламаган болага кўкрак йўқ экан. Оиланинг дарду ҳасратларини ёз-ёз қилиб, зўрға бир ногиронлик аравачаси ундирдик

холос. Оила «темир дафтар»га киролмаган. Чунки «темир дафтар» ҳақиқий темирдан-да. Унга киришнинг иложи йўқ-да. Ёз-ёз қилдик, ижтимоий тармоқларга чикдик. Хайтовур, у ер-бу ердан хабарлар келди. «Биз билмасдик, бизга айтишмаган» деган гап-сўзлар бўлди. Хўп, энди билишди. Энди-чи, амалий ишга ўтиб ёрдам беришса бўлади-ку. Ёрдам бўлмагандан кейин яна ёзишга чоғландик. Мутасаддилар «маҳаллабай, фуқаробай ишляпмиз, кўриб қўйинг, ишларимиз беш» деган гаплари қаерда колди?! Биз хайрон...

Ўша ёз-ёзларимиздан кейин Сарвинознинг хонадонига Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари



И.Назаров келибди. Ҳақиқий ҳолатни кўриб, ўрганиб, Сарвиноз Бобожоновага ногиронлик аравачаси бериб кетган. Ҳақиқий ҳолатни ўрганиб ёрдам қилишини ҳам айтган. Бу гаплар айтилганига мана қарийб олти ой бўлди. Дарвоқе, 2021 йилнинг 16 февралда И.Назаровдан хат келди (*хат рақами 6-3/53 ижрочи Р.Отабоев*).

Хатда «Томорқа ер участкасида иссиқхона ташкил қилиш учун субсидия ажратилишини

сўраб қилган масалангиз бўйича Қўшқўпир туман бандликка кўмаклашиш маркази билан биргаликда сизнинг томорқа ер майдонингиз ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида 2021 йил март ойида белгиланган смета асосида шартнома ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда ҳамда «Golden garden service» томорқа хизмати масъулияти чекланган жамияти томонидан куриб бериши режалаштирилган» дейилади.

Оила аъзолари мазкур хат ташкилотчиларига мингдан минг раҳматлар айтишиб, чўнтакни каттасидан тикдириб, насиб этса, март ойида иссиқхона куриб беришса, иш билан банд бўлардик, унинг устига иссиқхонадаги ҳосилдан бозорга чиқариб сотсак, рўзғорга

беш-ўн сўм пул бўларди, деб ўйлашганди. Афсуски, март ўтди, апрель ўтди, мана, май ҳам тугади. Иссиқхонанинг ҳам даври ўтди. Тавба, деймиз, минг тавба. Айтилган гап қоғозда, оғизда қолиб кетаверса... Шунда давлат идораларига халқ ишонадими? Мана бунисига нима дейсиз?..

Кўришиб турган ногирон боласи бор оилага муносабат шу зайилда бўлса, нариёғини гапириб ҳам ўтирмай. Оилага ёрдам керак. Агарда давлат ҳисобидан иссиқхона куриб беришганида, ишсиз ногирон боласига қараб ўтирган онаси Санамжон Маткаримова ҳам ишли бўлармиди... Ҳарна бўлса-да, рўзғорга мадад. Оилани «темир дафтар»га кириштиганида ёрдам берилармиди, деймиз-да.

Оилага ёрдам бериш керак. Бунга ҳаммамиз масъулмиз. Мен индамасам, сиз индамасангиз, ким индайдим? Давлатимиз томонидан ногиронларга катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани бор гап. Ана шу ғамхўрликдан фойдаланишга Сарвинознинг ҳам ҳақи бор!

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
журналист

«ҲАЖ» ВА «УМРА» МАСАЛАСИДА ЯКУНИЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНМАГАН

«**Ш**у кунларда айрим ижтимоий тармоқларда Саудия Арабистони ҳукумати айрим талаблар асосида ҳаж сафари учун рухсат беришга қарор қилди, деган мазмунда тарқатилаётган хабарлар ҳақиқатга тўғри келмайди, дея хабар берди Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати.


Ўзбекистон мусулмонлари идораси мамлакатимизнинг Жидда шаҳрида жойлашган Бош консулхонасидаги «Ҳаж» ва «Умра» масалалари бўйича Атташеси билан доимий мулоқот қилиб, муборак сафарлар билан боғлиқ ҳар бир жараёни диққат билан кузатиб бормоқда. Шу кунларга қадар, Саудия Арабистони ҳукумати ҳаж ва умра сафарларини бошлашга оид бирор-бир якуний баёнотни эълон қилгани йўқ.

Таъкидлаш керакки, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва Умра вазирлиги жамоатчилик билан алоқалар ва хизмат кўрсатиш маркази ҳам айни кунларда ижтимоий тармоқларда ҳаж мавсумини ўтказишга рухсат берилгани, унга хориждан 45 минг нафар зиёратчилар қабул қилиниши ҳақидаги хабарларга раддия бериб, «Ҳаж – 2021» мавсумини ташкил қилиш ва четдан ҳожилар қабул қилишга доир ҳукумат қарори кейинроқ эълон қилинишини маълум қилди.

Эслатиб ўтиш зарурки, Саудия Арабистони Фуқаролик авиацияси

бош бошқармаси (GACA) саёҳат ва бошқа мақсадларда мамлакатга ташриф буюрувчи чет элликлар (*кириш тўхтатилмаган мамлакатлардан келганлар*) учун тиббий-санитар ва эпидемиологик шартлар тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқарган. Унга кўра, мамлакатга киришда ҳар бир чет эл йўловчисидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатидан ўтган Pfizer/BioNTech (*АҚШ-Хитой*), Oxford-AstraZeneca (*Буюк Британия-Швеция*), Moderna (*АҚШ*) вакциналарининг икки дозаси ва Johnson & Johnson (*АҚШ*) вакцинасининг бир дозасини қабул қилганлик ҳақида махсус сертификат талаб қилинади.

Вакцина сертификатлари келаётган йўловчиларга эмлашни амалга оширган давлатнинг расмий соғлиқни сақлаш идоралари тасдиқлаши ва охириги дозани олиш муддати (*икки дозали эмлашнинг иккинчи дозаси ёки битта дозали эмлашнинг биринчи дозаси*) САПга саёҳат қилишдан 14 кундан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Ҳар бир вакцина



сертификатлари Қиролликнинг назорат пунктларида текширувдан ўтказилади.

Юқоридаги каби талабларга жавоб бермайдиган йўловчилар белгиланган манзилга, жўнаб кетган жойларига қайтариб юборилади ва йўл харажатларини авиакомпания ўз зиммасига олади. Ушбу қоидаларга риоя қилмаслик саёҳатчиларга Саудия Арабистонига кириш тақиқланишидан ташқари, қонуний мажбуриятларни ҳам юклайди. Изоляция бўйича кўрсатмалар ёки карантин қоидаларини бузган фуқаролар ва резидентлар 200 минг риёл (*53,2 минг АҚШ доллари*) миқдорида жарима ёки икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

ва такрорий бузилган тақдирда, жазо икки барабар кўпайтирилади. Саудиялик бўлмаган қонунбузарлар Қиролликдан депортация қилинади ва шахсга нисбатан жазо ижро этилгандан кейин уларнинг мамлакатга киришига тақиқ қўйилади.

Маълумот ўрнида, 2021 йил 30 май ҳолатига кўра, Саудия Арабистонидаги коронавируснинг тасдиқланган 449 минг 191 та ҳолати қайд этилган. Ўлим сони 7 минг 347 дан ошган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Ҳаж» ва «Умра» сафарларга оид ўрганишларни давом эттирган ҳолда муборак сафарлар билан боғлиқ хабарларни расмий нашрларда эълон қилинишини маълум қилади, дейилади хабарда.

Аҳоли ва тадбиркорлардан айрим хужжатларни талаб қилиш бекор бўлди

Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташиқлотлари ва муассасалари томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлардан қуйидаги фактларни тасдиқловчи хужжатларни талаб қилиш бекор қилинади:

● наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

- судланганлик;
- манзил-маълумот ахбороти;
- фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- турар жойнинг майдони;
- солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги;

- пенсия ва нафақа миқдори;
- пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари мазкур хужжат ва маълумотларни тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизими идораларо интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади.



1 ИЮНДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Хайдовчилик гувоҳномаси учун имтиҳонларда хусусий сектор ҳам иштирок этади

Автомобил транспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари хайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорларга барча тоифадаги автомобил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи хайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилди.



Аҳоли ва тадбиркорлар давлат хизматларидан фойдаланиши учун қулайликлар

Эндиликда:

● фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилади;

● нотариал ҳаракатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қилмасдан, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали олинади;

● тадбиркорлик субъекти бўлган юридик шахсларга давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган йиғим ва давлат бож тўловларини тўлашда уларнинг вакили томонидан нақд пул шаклида тўловни амалга оширишга рухсат берилди;

● хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон ҳудудидаги ваколатхона ходимини аккредитация қилишда унда одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги йўқлиги тўғрисидаги сертификатни талаб қилиш амалиёти бекор қилинади;

● давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йиғимлар суммаси (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) соддалаштирилган тартибда бир иш куни ичида қайтарилади;

● давлат хизматини кўрсатиш натижасида бериладиган хужжатлар QR-код (матрикс штрихли код) қўйиш орқали берилганда уларнинг дубликатларини бериш тартиби бекор қилинади. Бунда, ушбу хужжатлар электрон шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали чекланмаган миқдорда бепул олинади.

Ёшларга компьютер харидлари учун 6 млн. 125 минг сўмгача истеъмол кредитлари ажратилади.

● «Ёшлар дафтари»га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олган ёш тадбиркорларга бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ БХМнинг 25 бараваригача бўлган миқдори компенсация қилинади;

● профессионал таълим ташкилотларида тахсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган

Компьютер хариди учун кредит

муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан БХМнинг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилади;

● «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ёшларга компьютер харидлари учун БХМнинг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмол кредитлари ажратилади;

● «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ умумий ҳисобда БХМнинг 5 бараваригача бўлган миқдори ҳамда

улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказилган имтиҳонларни топшириш харажатлари компенсация қилинади.

● «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари БХМнинг 4 баравари миқдори гача ва сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадали қоплаб берилди;

● Хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг БХМнинг 4 бараваригача бўлган қисми компенсация қилинади.

Солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти

Қонунчиликка қўра:

● 3 йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларни муддатида тўлаб келган, лекин молиявий аҳволига қўра солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш;

● 3 йилдан ортиқ вақтдан буён товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳволига қўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташкилотларнинг фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

«Ҳуқуқий ахборот» телеграм канали материаллари асосида тайёрланди.



ВАҚТ ЎҒРИЛАРИ



Вақт инсонга берилган энг катта неъматлардан биридир. Унинг бебаҳолиги ҳақида кўп гапирилади. Лекин уни фойдасиз нарсаларга сарфлаб зое қилиш илллати азалдан мавжуд. Инсоният бошқа неъматлар қатори вақтни ҳам исроф қилишга одатланиб қолган.

Ҳадисда келганидек, «Икки неъмат борки, кўп одамлар у иккисидан ғафлатда қолади. Улар – сиҳат-саломатлик ва бўш вақтдир» (*Имом Бухорий ривояти*).

Биз доимо «менинг вақтим йўқ», «ишларимга улгура олмаяпман» ва «куним қандай ўтганини билмай қолдим» деган гапларни тез-тез ишлатамиз, эшитиб тураемиз. Бу билан вақтни тўғри тақсимламаганимиз, ундан унумли фойдаланмаганимизни кўрсатамиз, холос. Гўёки вақтимиз камайиб қолган ёки ўғирланмоқда.

Ҳа, қайсидир маънода вақтимизни ўғирлашмоқда. Ўғрилар бизга тегишли бирор нарсани биздан яширинча олиб қўйса, вақт ўғрилари ошқора ҳаракат қилади. Бунга ўзимиз ҳам рози бўламиз. Булар бизни кундалик вазибаларни бажаришдан чалғитадиган, ишимизга тўсқинлик қиладиган нарсалардир.


Вақтимизнинг бир қанча ўғрилари

бор. Аввало, биз кўп вақтни телефонга сарфлаймиз. Чунки бу «ҳамроҳимиз» ўзида жуда кўплаб имкониятларни мужассам қилган. Ҳозирги пайтда унинг асосий функцияси ижтимоий тармоқлар билан алоқадан иборат бўлиб қолди.

Инсоният ҳозир «ижтимоий тармоқлар дунёси»да яшамоқда. Бундан ҳар ким турли мақсадларда, хоҳлаганича фойдаланмоқда. Бу жараёнда соатлаб вақт ўтказмоқда. Тўғри, ИКТ воситаларидан ишда, ўқишда (*айниқса ҳозирги шароитда*) ва бошқа керакли мақсадларда фойдаланилади. Лекин кўпчилик вақтини беҳуда, шунчаки сарфлаб юбормоқда. Бўш вақт топган заҳоти, ҳатто ярим тунда ҳам, тармоққа шўнғийди.

Шунингдек, каттаю кичикнинг яна бир овунчоғи телевизордир. Агар киши сериал мухлиси бўлса, уни кўриш учун

алоҳида тайёргарлик кўради, бор эътиборини қаратади. У берадиган «маънавий озуқа»нинг фойда-зарари билан иши йўқ. Уни кўрса, вақтини ўтказса бўлди. Баъзида туннинг кўпроқ қисмини телевизор қаршисида ўтказиб юборади. Бу, албатта, эртанги иш куни, кайфияти ва саломатлигига таъсир ўтказиши.



Агар киши футбол учрашувини томоша қилганда, ўйиндан олдинги ва кейинги таҳлилларга мурожаат қилмаса, атиги икки соатни беҳуда сарфлайди. Тафсилотларга бериладиган бўлса, бу йўқотиш чандон-чандон кўпаяди.

Бугунги динамик ҳаётда ҳамма ҳам «бугунги ишни эртага қўйма» ҳикмати-га амал қилавермайди. Ажабланарлиси шундаки, бугун қилиш мумкин бўлган ишларнинг аксарияти бошқа кунга қолдириляпти. Одамлар эртанги кунга ўз қўли билан муаммо олиб ўтгяпти.

Кундалик ҳаёт ва иш жараёнидаги муҳим ва иккиламчи нарсаларни ажаратиб олмаслик вақтни тўғри тақсимлашга ҳалал беради. Зарур бўлмаган ва беҳуда нарсаларга уриниш муҳим ва тезкор қилиниши керак бўлган ишлардан чалғитади. Киши бир ишни бошлайдую, кейин ноҳосдан телефонни олиб, суҳбатга берилиб кетади ва нима қилаётганини унутиб ҳам қўяди.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб, энг катта вақт ўғриси кишининг ўзи эканини таъкидлаш керак. Чунки уларга ўзи руҳсат беради, вақтни сарф қиладиган ҳам ўзи. Ундан унумли, мақсадли фойдаланса ҳам, бефойда ва муҳим бўлмаган ишларга зое қилса ҳам жавобгар ўзи бўлади. Фойдаси ҳам, зарари ҳам ўзига. Вақтни тўғри тақсимлаш, ундан унумли фойдаланиш, хусусан, бўш вақтни мазмунли ўтказишни ташкил қилиш муваффақиятнинг дастлабки омили ва асосий шартларидан биридир.

Баҳодир МИРЗАЕВ,

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

ВИРТУАЛ ҚАРАМЛИК

Болани ундан қандай қутқариш мумкин?



Фарзанд ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишида ота-онанинг оиладаги амалий ёрдамларига жуда катта эҳтиёж сезади. Ота-онанинг шахсий намуна кўрсатиши энг катта амалий ёрдам ҳисобланади. Чунки бола, асосан, панд-насиҳат эшитиш билан эмас, ўрнал олиш орқали тарбия топади.

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи бир оилаларда боланинг рисоладагидек инсон бўлиб етишувида моддий неъматларнинг ўрнини юқори баҳолаб, тарбиянинг аҳамиятини унутиб қўяётганлар орамызда топилади. Ҳозирги кунда болам хархаша қилмасин, менга ҳалақит қилмасин, бироз шу билан машғул бўлиб, овуниб турсин, деб фарзанднинг кўлига телефон бериб қўяётганлар кўп. Ҳаттоки, ўсмир фарзанднинг телефондан қандай фойдаланаётганига, нима билан шуғулланаётганига эътибор бермаётган ота-оналар ҳам анча.

Мана шу кичкина эътиборсизликнинг оғир оқибати туфайли кўплаб оналар психологга мурожаат қилишади. Сабаби, фарзанди кечаси йиғлаб, яхши ухламайди, иштаҳаси йўқ, жиззаси, инжиқ, ҳафсаласиз, одамови ёки гап қайтарадиган бўлиб қолган. Ота-онанинг ўз фарзандидаги бундай салбий ўзгаришлардан ташвишланиб, мутахассис билан маслаҳатлашиши яхши албатта. Лекин бу ўринда айбни фақат фарзандга юклашдан олдин сал мулоҳаза юритиб кўриш зарур бўлади. Акс ҳолда, боланинг ҳолати янада чигаллашиши мумкин.

Аслида фарзанддаги бундай салбий ҳолатнинг асл сабаби ота-онанинг етарли эътибор бермаёт-

гани ҳамда телефондаги виртуал ўйинлардир.

Телефондаги ҳар хил ўйинлар боланинг асаб толарини чарчатади, меҳрсизликка ўргатади, болани ваҳшийликка бошлайди, одамлар билан мулоқот қилиш истагини сўндиради.

Натижада, бола ўзи ҳам истамаган ҳолда шундай бир руҳий ҳолатга тушиб қолади. Бундай пайтларда ота-она фарзандини айблаб, уришиши, вазиятни баттар мураккаблаштириши керак эмас (*Минг афсуски, кўп ота-оналар билиб-билмай ана шу йўлни туттишади*). Аксинча, боланинг кўнглига йўл топиб, уни тўғри тушуниб, унга ёрдамчи бўла олиш энг тўғри йўлдир.

Бунинг учун ота-оналар нима қилиши керак?

Ота-она фарзандига эътибор қаратиши ва у билан кўпроқ самимий мулоқотда бўлиши зарур. Унинг қизиқишлари, орзу-истаклари, мақсадларига бепарво бўлмаслик керак. Қачонки, бола ўзини эътиборсиз қолдирилганини ҳис қилса, турли зарарли нарсаларни овунчоқ қилиб олишга иштиёқманд бўлади. Бунга

йўл қўйиб берилиши кейинчалик катта кўнглисизликларга сабаб бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ота-оналар фарзандини бирданига телефон ўйинларидан маҳрум қилиб, қатъий чеклов қўйиши болага акс таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик керак. Болани бу одатдан аста-секинлик, ақл ва сабр билан айира бошлашлари муҳим. Бунинг учун кун сайин телефондаги ўйин вақтини камайтириб боришлари тўғри бўлади. Аввало, фарзанди телефон ўйинини ўйнаш пайтида у билан суҳбатлашиши, яна бошқа юмуш билан чалғитиши ва китоб ўқиш каби фойдали машғулотларга аста-секинлик билан, тизимли равишда ўргатиб бориши лозим.

Бунда, аввало, ота-онанинг ўзи фарзанд учун намуна ва ўрнал бўлиши керак. Фарзандлар жуда тақлидчан бўлишади. Шу билан бирга, улар сезгирдирлар. Сохта муносабатни дарров пайқашади, шунинг учун сиз ота-оналар улар билан муносабатда самимий ва ҳар доим ўрнал бўлинг. Сиз агар оилада китоб ўқиб, шу китоб ҳақида қизиқарли воқеа ва ҳодисаларни гапириб берсангиз, фарзандингиз албатта сиздек китоб ўқишга одатланади ва аста-секин телефон ўйинларидан чекланади. Келажакда фарзандингиз орзу қилганингиздек баркамол инсон бўлиб вояга етади.

Шахло ЖУМАНОВА,
Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 68-умумтаълим мактаби психологи

Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида қурилишлар авж олган. Замонавий кўп қаватли турар жойлар, маъмурий бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, мухташам спорт ва савдо мажмуалари қад ростламоқда.

«ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Сўнгги вақтларда об-ҳавонинг кескин исиб кетаётгани кузатилмоқда. Бундай паллада совутиш ускуналарини ишлатишга эҳтиёж кўпайиб, электр симларига юкламалар ошиши табиий. Бундай вақтларда ёнғин чиқиб кетиш эҳтимоли жуда юқори ва бу барчамизни огоҳликка чорлаб туриши керак. Моддий бойликларни, қад ростлаётган ижтимоий-иқтисодий иншоотларни асрашимиз, ёз мавсуми давомида аҳоли турар жойларида электр, газ ускуналаридан эътиборсиз, эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўладиган ёнғин хавфининг олдини олишимиз зарур. Бу борада ҳудудлар бошқармалари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Унга кўра барча соҳа ва тармоқлар, хонадонларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Аҳоли ва иш масканларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимлар ўртасида уларнинг ёнғинни олдини олишга оид билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли барча қатлами ушбу тадбирларда иштирок этмоқда.

Отабек АКРОМОВ,
ЎзМТРК ЁХТТЭБ инспектори, катта лейтенант

ЙИГИРМА ЁШЛИ «МЎЙСАФИД»НИНГ ДИЛ ДАФТАРИ

«Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» асарини ўқиб...



«Уруш номинг ўчсин жаҳонда!» Уруш ҳақидаги асарларни ўқиганинг сари, ҳар мутолаада кўз олдинда уруш даҳшатлари рўйи-рост гавдалангани сайин бу сатрларнинг шунчаки айтилмаганига, юракдан чиққан оташин мисралар эканига амин бўларкансан.

Уруш даҳшатлари, унинг инсоният бошига солган кулфатлари асрлар давомида қалбларда чандик ҳосил қилган, қорачикларда қонли кўз ёшдай қотиб қолган, унинг асоратлари кейинги авлодни-да нимадандир, кимлардандир мосуво қилгани, шубҳасиз. Уруш номи билан уруш... Унда бирор бир мамлакат галабасининг аҳамияти йўқ, урушда бутун инсониятнинг қалби вайрон, орзулари, мақсадлари мағлуб, келажаги снаряд парчалари янглиғ кунпаякун.

Уруш ҳақиқатини, унинг даҳшатга тўла дақиқаларини содда тилда, қандай бўлса шундайлигича қаламга олган немис ёзувчиси Эрих Мария Ремаркнинг «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» асари урушнинг инсон бошига солган кулфатларини ёниб куйлагувчи асарлар сирасига қиради. Асар неча йиллардирки, миллионлаб нусхаларда чоп этилиб, турли тилларда турли қалбларга бирдай таъсир қилган, ҳаяжонга солган ва ҳамон қўлдан тушмай ўқилмоқда. Ўз даврида гулханларга асир бўлган бу асарнинг тақдири нима учун аянчли эканини китобхон китобни ўқигач аниқлайди. Асар бир сўз билан айтганда, тўрт-бешта давлат катталарининг аҳмоқликлари ортидан бутун бошли оддий инсонлар кўраётган жабр-ситамлар... душман томоннинг бир ўғлонини ўлдириб, кейин ундан кечирим сўраб, бутун бошли умрини бахшида этишга тайёр инсоннинг қалб кечинмалари... қалбида ҳали севги куртаклари очилмасданоқ, уни тиканаклар билан тўлдирган аёвсиз жанглар ва мурғак қалб эгасини бир зумда мўйсафидга айлантирган қонли уруш ҳақида...

Асарнинг бошланишига эпиграф сифатида олинган ушбу сўзларни ўқир экансиз, олдинда сизни руҳиятингизга кучли таъсир этувчи, ҳар сатрида ҳаяжонга тушишга мажбурловчи тақдирлар турганини ҳис этасиз: «Бу китоб айбнома ҳам, афвнома ҳам эмас. Бу шунчаки уруш дастидан жувонмарг бўлган авлод ҳақидаги, гарчи замбарак ўқидан қуруқ қолса-да, шу урушнинг қурбонига айланганлар тўғрисидаги кўнгил изхоридир». Ҳа... асар қаҳрамонлари ҳали ҳаётнинг оқ-қорасини танимаёк, қора

бўшликка иргитиб юборилган, ҳали орзу қилишга улгурмасиданоқ, орзуси ҳам, мақсади ҳам урушга айланган тенгдошларимиз, энди йигирма ёшни қаршилаётган – Паул, Кропп, Мюллер, Леер, Кеммерих каби ўспиринлар.

Бир куни синф раҳбари ўз хатида уларни «метин ёшлар» дея таърифлаганига жавобан, Паулнинг ичидан шундай сўзлар ўтади: «Метин ёшлар эмиш-а! Ҳеч қайсимиз йигирмадан катта эмасмиз. Лекин ёшлигимиз қоптими? Наҳотки ёш бўлсак? Тўғри, қачонлардир ёш эдик. Ҳозир кексайиб қолганмиз... Ёши биздан каттароқларнинг ўтмиши ёдида, оёқлари заминдан узилмаган,

уларнинг оилалари, бола-чақалари, касб-корлари ва орзу-ниятлари бор, бу ришталар шунчалар мустаҳкамки, уруш бу ришталарни парчалаб ташлаёлмайди... Нима кўрибмиз биз: осмоний ҳою ҳавас, баъзи бир нарсаларга ишқибозлик ва мактаб – бошқа нимани биламиз? Мана энди, шулар ҳам йўққа чиқиб турибди». Мана уруш инсонни нималардан маҳрум қилди? Ота-онани фарзанддан, ака-укани жондай жигаргўшасидан, ёшларни орзу-умидларидан, қалбни соф ҳис-туйғулардан...

Асар бош қаҳрамони Паул асли софдил йигит, унинг қонида одам ўлдириш тугул, жониворга озор бериш хислати ҳам бўлмаган, аслида. Лекин уруш мўмин-қобил инсоннида жаллодга, меҳрли қалбнида тош метинга айлантириши ҳақиқат: «Биз йўлга чиққаннимизда оддий аскарлармиз, гоҳ дилгир, гоҳ кувнок бўламиз. Аммо фронт чизигига етиб келишимиз билан ярим инсон – ярим махлуққа айланамиз».

Ремарк китобхон ҳаёлини уруш қозони қайнаётган қонли гирдобга етаклар экан, аскарнинг оддий турмуш

тарзини, фронт чизигидан наридаги ҳаётини ҳам тасвирлашга урғу беради. Биринчи жаҳон урушида катнашиб, шиддатли жанглар гувоҳи бўлгани учун ҳам аскарнинг бир нафас илинжида яшашини қонли сатрларга сингдира олади: «Белимиздаги камарни охиригача тортиб, оғзимизга бир тишладан нон соламиз, лекин чайнамаймиз – шимамиз. Чунки уни тежаш керак. Қорнимиз пиёзпўсти бўлиб кетган. Мен ноннинг юмшоқ жойини еб, устки қатламини халтамга яшираман, кейин уни яна олиб, ҳар замонда сўриб-сўриб кўяман». Қандай даҳшат... бу сўзларни тушунтириб бўлмайди, уни ҳис қилиш, қалб билан англаш керак, холос.

Паул ҳар бир қонли жангдан сўнг, дўстлари билан кечги овқатга ўтирар экан, уларнинг сафи борган сари камайётганини, ҳар гал қайси бир сафдоши омонат жонини топшираётганини ўйлаб



тузалмас дардга чалинган, бироқ фарзандининг қонли қисмати ҳақидаги ўйлар унинг дардига яна дард қўшади. Паулнинг оиласи, унинг кўчасидаги одамларнинг ҳаётини ўқиб, фронт орти ҳам урушдан кам эмаслигини, бу ер ҳам жон билан кураш ўлкасига айланганини аниқлайди: «Биламанки, уйда бир бонка мураббодан бошқа ширинлик йўқ, уни ҳам менга асраб қўйишган. Ҳозир олдимга қўйиладиган қотган печеньени ҳам ойм аллақайси гўрдан амал-тақал қилиб топгану, дарров яширган. Менга илинган».

Паулнинг таътили тугаб, яна фронтга йўл олади. Аёвсиз жангларнинг бирида у душманнинг бир ўғлонининг кунларига сўнгги нуқта қўяди. Лекин у қарши томондан бир аскарнинг қаймаганига мамнун бўлмайди. Аксинча, унинг уйи, оиласи, фарзандлари борлиги, аёли унинг саломатлиги ҳақида хат кутиб ўтиргани ҳақида ўйлайди. Уруш тугагач, унинг оиласига ёрдам беришини, пул жўнатиб туришини айтиб, ўзига сўз беради. «Ҳалок бўлган аскарнинг яшамаган умри менинг ҳаётимда давом этади, бинобарин, қўлимдан келган ҳамма яхшилиқни қиламан, бутун ҳаётимни унга ва оиласига бағишлайман. Шояд, гуноҳим жиндай бўлса ҳам қамайса, зора, бу ердан эсон-омон чиқиб кетсам!» Ҳа... асар душман тарафининг бир ўғлонини оиласидан маҳрум қилишга бел боғлаган аскар ҳаёти ҳақида эмас, балки тепкини босишга мажбур бўлиб, бир инсоннинг ўлими қошида айтилган кечирим изхори, яшамаган умрини етти ёт бегонага беришга тайёр инсоннинг одамийлиги ҳақида айтилган нола.

1918 йилнинг ёзи... Оқоқдаги ҳаётимиз ўқ ёмғири остида қолган пайтимиздагидан кўра юз чандон оғир. Ерга қапишиб, Худога нолалар қиламиз: «Йўқ! Йўқ! Ҳозир эмас! Уруш тугай деб турганда омонатингни олма, э Худо!»

Аскарлар уруш тугаши, тезроқ сулҳ тузилиши ҳақида айтилаётган миш-мишларни эшитиб, бошқалар қатори Паул ҳам охириги нуқтага келай деганда, тинч кунларга етай деганда ширин жонидан айрилишни хоҳламайди. У тинчлик ҳақида хаёллар сура бошлаётган бир пайтда, фронтда сокинлик ҳукм сураётган вақтда ҳалок бўлади. 1918 йилнинг октябрида эса ҳарбий ахборотлар биргина жумлани такрорлашади: «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ».

Бу асарни тинч кунларга шукрона келтиришни истаган ҳамма ўқишини, уруш сабаб орзулари ҳазон бўлган тенгдошнинг дилидаги маҳзун кечинмаларни барча инсон ҳис қилишини хоҳлардим.

Маҳфуза ПЎЛАТОВА

«Ғарбий фронтда ҳеч қандай ўзгариш йўқ» (1929) асари учун гитлерчилар Ремаркни немис фуқаролигидан маҳрум этган.

«Айтишларича, умрнинг дастлабки етмиш йилини яшаб олиш қийин. Ундан у ёғи силлиққина кетади».
Эрих Мария РЕМАРК



Мазкур роман асосида суратга олинган «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» фильмидан лавҳа.

Сизга айтсам, шу кунлар жуда кийнаиб қолдик. Хотин ишламайди. Уйда беш бола. Рўзғор қилиш оғир. Мени мактабда ишлаб оладиган ойлигим рўзғорга урвоқ ҳам бўлмай қолди. Нарх-наво кўтарилиб кетган. Ахир ярим ставка дарсга нима ҳам берарди.

Мен ҳам бир-икки дўстларим қатори четроққа кетиб қолай дейману беш йил мусофирчиликда юриб ўқиб, олган дипломимга ичим куяди. Шундай бўлса-да бир куни бу ҳақда директорга оғиз очдим.

Ойпошонинг гапи бу. Бир миллион бўлса, ёмонми, дадаси. Ҳар-на рўзғорга мадад.

– Ахир, мол олиб сотиш учун камида ўн миллион пул керак, – дедим, – йўқ, бўлмайди.

– «Бўлмайди» десангиз, ўтираверасиз ялпайиб. Бўлади! Қарз олмасиз, –

Сигирнинг атрофини айланиб, ҳеч нимани билмасам ҳам этини тутиб кўрдим. Тагига эгилиб елинидан тортқилладим. Жонивор жуда ювош бўлиб «мик» этмасди. Ранги ҳам қип-қизил чўғдай эди. Ростини, сигир менга ёқди.

– Қанча дейсиз? – сўрадим эгасидан.
– Беш миллионга бераман. Ўзи асли

бозорга олиб борсам, қоладиган нақд икки миллион пул кўз олдимга келиб, ичимда севиндим.

Шу куни кечаси билан ёмғир ёғиб чиқди. Тузукроқ молхонамиз бўлмагани учун сигирни бостирманинг тагига боғлагандик. Кечаси билан унга ичим ачиб хавотирландим. Ҳа, энди ёмғир ёққани билан ҳаво совуқ эмаску деб, ўзимга тасалли бердим.

Эрталаб хотинпошша барвақт уйғониб, сигирдан хабар олгани борибди, тезда изига қайтиб келди.

– Ҳой, дадаси, туринг, туринг, сигирни ўғирлаб кетишибди. Сигиримиз йўқ!

Хушим бошимдан учиб, оғилхона томон чопдим. Борсам, қай кўз билан кўрайки, бизнинг қип-қизил сигиримиз йўқ. Ўрнида оппоқ бир сигир турибди. У ҳам ёмғирда ивиб, сувга тушган мушукдай бужмайиб қолган. Бир нимани сезгандай бўлдим. Ичим шув этиб кетди. Аммо хотинга сир билдирмай:

– Хотин, ўғри жуда ҳам инсофли экан. Сигиримизни ўғирлашса ҳам ўрнига ўрин ташлаб кетибди, шунисига ҳам шукр, – дедим.

Оббо, устамон йигитча-эй. «Онам касал, дорига пул зарур» деб, мени чув тушириб кетган экан-да. Оппоқ сигирни қизил ранга бўяб олиб келган... Бу воқеага қулишимни ҳам, куйишимни ҳам билмай қолдим. Кейин билсам, мол бозориди оқ сигирнинг нархи жуда паст бўлиб, уни харидорлар унча хушламас экан.

Аммо кейинчалик мол бозорнинг пасту баландига тушунадиган бўлдим. Ишим юришиб кетди. Рўзғоримиз ҳам бинойидек. Дарвоқе, оппоқ сигирни нима қилдингиз деётгандирсиз. Мен ҳам уни қора ранга бўяб, кўр харидорига узатиб юборишим мумкин эди. Лекин мен ундай қилмадим. Уни уйда сақладим. Уй сиғирни қилдим. Яқинда қип-қизил хўкизча туғди. Бир пақир сути, қатиги, қаймоғи, сарёғи ўзимиздан. «Бой боласи бўлма, бозор боласи бўл», дейишган-ку.

Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН

БОЗОР БОЛАСИ БЎЛ

– Майли, кетавер, ўзинг биласан. Аммо кетган кунингдан ишдан бўша-таман. Келганингдан кейин ишга олиш йўқ, – деди директор кўзини лўқ қилиб.
– Ундай қилманг, директор бува. Беш-олти ойгина кетаман ўзи. Сал рўзғорни кўтариб олай, – дедим ялиниб.
– Одам бўлиб келсанг, кўрамиз, – деб кўйдди.

Демак, бу иш менга тўғри келмайди. Бошқа бирон яхшироқ пул топадиган иш топиш керак. Хуллас, ҳар куни кечқурун эр-хотин иккаламиз шу ҳақда бош қотирамиз. Тузукроқ вариант чиқиб қолармикан, деймиз-да.

Бир куни хотиндан жўялироқ бир гап чиқиб қолди.

– Дадаси, сиз мол бозорга кириш. Ана, Рўзбойи жўрангиз уч йилдан бери мол бозорда, тагида «Ласетти», уйлари данғиллама. Кам бўлгани йўқ. Ўтган бозорда бир молдан икки миллион пул қолганимиш, – деб хотиним тўхтамасдан гапирарди. Мен буни эшитиб, анграйиб қолдим. Икки миллион! Менинг икки ойлик мойнам-ку. Яна бир бозорда-я. Бир «Бор барака»га – икки миллион. Тўғриси, ишонмадим.

– Ёлғондир-ов, хотин. Жуда унчаликмасдир. Бир миллиондир, беш юз мингдир?... – дедим ишонқирамай.

– Тавба, мен, нима, мажбурлаб айтирдимми? Ўша жўрангизнинг хотини

деди хотин шартта.

– Э, ким сенга «Ма, пул», деб қарз бераркан ҳозирги замонда. Пул сўрасанг, дарров фоизга ол, дейди.

Хуллас, бошимиз қотди. Тузукроқ вариант чиққанида пул топилмади. Ахийри ўйлаб-ўйлаб қарз сўрагани шаҳарда яшайдиган тоғамникига йўл олдим. Минг ялиниб-ёлворганимдан сўнг тоғам ҳам менга ичи ачидими ёки жигарлик меҳри кўзғалиб кетдими, опамдан қолган ёдгорим деб, ўн миллион сўм пулни олдимга қўйдди. Эвазига ҳар ҳафтада икки кило лаҳм гўшт бериб турадиган бўлдим. Шунисига ҳам шукр.

Пулни белга тугуб, мол бозорга кирдим. Умрим бини бўлиб мол бозорига биринчи киришим эди. Вой-бўй мол бозори қайнагандан қайнаган. Ҳали тонг ёришмасдан тумонат одам, гиж-гиж мол. Ким олган, ким сотган. Шовкин-сурон. Мен билан ишлайдиган икки-уч нафар муаллимлар ҳам шу бозорда экан. Шу куни то бозор тамом бўлгунча айланиб ўрганиб юрдим. Энди қайтаман, деб турганимда бир йигит мени қақриб қолди.

– Ака, мол олмоқчимисиз? Мана шу молни олинг. Пул жуда зарил. Онам касал. Дорига пул керак. Устига устак буни бугун ҳеч ким сўрамади. Энди кетиб боряпман. Арзон бераман.



етти саккиз миллионлик мол. Ичида гумонаси ҳам бор, яхшилаб боқсангиз бир рўзғорни гуллагади, – деди йигит менга илтижоли боқиб.

Сигир ҳам худди мени ол, дегандай қавш қайтариб мўлтираб турарди. Хуллас, йигит билан савдолашиб тўрт миллион етти юз мингга бор-барака қилдик.

Сигирни етаклаб уйга келдим. Хотин югуриб олдимдан чиқди. Болалар ҳам теварагида гирди капалак. Оғилхонага бойламоқчи бўлиб етаклаётсам хотинпошша «тўхта, тўхта», деб уйга югуриб кетди. Битта пиёлада ун олиб чиқиб сигирнинг пешонасига суркаб қўйдди. Ирими шундай экан.

Сигирга ўт, ем бердик, сув тутдик. Тузук, хўронгина мол экан. Ишимдан мамнун бўлиб, кўк чойдан симириб хаёллар оғушига чўмдим. Индингга

ИШГА КЕЧ ҚОЛУВЧИЛАРНИНГ ЭНГ АШАДДИЙСИ БИЛАН ИНТЕРВЬЮ

– *Келинг, суҳбатимизни ишга кеч қолишнинг инсон саломатлигига таъсиридан бошлашасиз.*

– Ичувчилар назарида спиртли ичимликлар истеъмол қилишнинг одам соғлиғига фойдаси бўлгани каби кеч қолишнинг ҳам одам организмга нафи жуда катта. Энг аввало, юрак экстремал вазиятларда ишлашга ўрганади, демак чиниқади. Киши эпчил ва абжир бўлади, кўриш ва эшитиш қобилияти, бутун сезгирлиги ошади, ностандарт фикрлаш шаклланади. Лекин ҳар нарсада бўлгани каби бу ерда ҳам меъёр зарур. Чунки, ишдан ҳайдаш учун мўлжалланган тепкидан на бақувват юрак ва на чаққонлик қутқариб қолади.

– *Сизларда ҳам ватанпарварлик, юртга садоқат ҳисси борми?*

– Албатта бор. Биз фақат ва фақат ўз ватанимизда ишга кеч қоламиз. Ахир ўзга юртларда бизни умуман кадрлашмайди-да. Мазза қилиб кеч қолмайсанам. Дарров ойлигини қирқишади ёки паггани қўлга тутқазишади. Шу ўринда хорижда ишлайман деб, ишга кеч қолиб юрган ватандошларимизга айтмоқчиманки, ўзга юртларда дакки эшитиб юргандан кўра худди шу гапларни ўз уйида, ўз давлатида, жонажон она тилида эшитиб юришса бўлмасмиди.

– *Соҳани ривожлантириш бўйича таклифларингиз?*

– Рағбат бор жойда ўсиш ҳам

бўлади. Таклифим, юртимизда: «Хизмат кўрсатган ишга кеч қолувчи», «Халқ кеч қолувчиси» фахрий унвонлари, «Кеч қолишдаги хизматлари учун» медали, «Фахрий кеч қолувчи» эсдалик нишони жорий этилса, жуда хайрли иш бўларди-да.

– *Устоз-шогирд аънаси йўлга қўйилганми?*

– Устоз кўрмаган чаласаводлар ҳар ҳафта,

ҳар ой ишхонани ўзгартиришга мажбур. Устоз этагини тутишда гап кўп. Устозларимнинг аксарияти эндиликда тириклар орасида, қолганлари эса ҳамон ишга келганлар орасида йўқ.

– *Душманларингиз борми?*

– Ишга анча эрта келувчилар ашаддий душманларимиз. Уларнинг дастидан ишга маза қилиб кеч келолмайсан ҳам. Худонинг ўзи инсоф берсин уларга.

– *Кеч қолишнинг ҳаёти-нига таъсири ҳақида нима дея оласиз?*

– Кеч қолиш кон-конимга сингиб кетган. Нафақат ишга, бошқа жойларга ҳам доим кечикаман. Масалан, фарзандимни туғруқхонадан олиб чиқишга

борсам, янгангиз уйга борганига бир ойдан ошган экан. Биринчи синфда ўқийдиган қизимни мактабдан олай деса, иккига ўтибди, қаранг. Бир куни фотиҳагарчиликка бориб, «Уй эгаларига сабр тиласам», хонадонда байрам бўляпти эмиш. Тўғриси айтиш, тўйимга ҳам кечикиб борганим учун севганимгамас бошқасига уланганман. Ҳаммаси майлику-я, ҳатто чимилдикка ҳам кечикиб кирганимга нима дейсиз?

– *Суҳбатимизга қимматли вақтингизни ажратганингиз учун катта раҳмат.*

– Албатта, вақтим жуда қимматли. Чунки шу пайтгача не-е-ечта жойга кеч қолишга улгурардим.

Суҳбатдош:

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ



АҚЛЛИ ХОТИН — ЭРНИНГ БАХТИ

Бир одам жуда ақлли ва одобли, ислом тарбиясини олган қизга уй ланди. У хонимидан жуда мамнун, уйларида галва, гавго йўқ.

Йигит бир кун дўстларининг ҳузурига борди. У ахлоқсиз одамларнинг хотинларини «ундай урдим, бундай урдим», деб мақтанганларини эшитди. Йигит хайрат билан улардан сўради:

— Нега хотинларингизни урасиз? Ҳеч гуноҳи йўқ хотинни уриб бўладими?

Дўстлар:

— Дунёда бундан осон нарса йўқ. Уйга бир қадок қийма гўшт олиб келсан. Қиймали суоқ овқат тайёрлаб келса, бошқа овқат ейишни хоҳлайман, дейсан, деб ақл ўргатишибди.

Йигит эртасига кечкурун уйига келиб дастурхон олдига ўтирди.

Хоними қийма солиб тайёрланган шўрва олиб келди. У хотинига жеркиб:

— Мен картошка билан қийма ейишни хоҳлайман, — деди.

— Қийма ҳам бор, — деди хоними.

— Мен ток баргига ўралган қийма хоҳлардим.

— У ҳам бор.



Хожасининг одатларини жуда яхши биладиган одобли хотин эри хуш кўрадиган барча нарсани кўлидан келганча ҳаракат қилиб тайёрлаган ва унинг кўнглини олган.

Йигит эртасига яна дўстлари олдига чикди. Улар дарҳол кизиқиб сўрадилар:

— Нима бўлди? Хотинингни калтакладингми?

Йигит бўлган воқеани айтган экан, дўстлари:

— Сен бахтли экансан, хотининг ақлли, чаккон аёл экан, — дейишибди.

Акбаршоҳ РАСУЛОВ

Сандра болаларини цирк томошасига етаклаб келди. Чипта олиш мақсадида кассага яқинлашди:

— Олти ёшга етмаганларга текин, катталарга эса беш доллар.

— Кенжам уч яшар, тўнғичим эса саккизга қадам кўйди. Бизга иккита чипта берсангиз.

ТАРБИЯ

Чипта сотувчи аёл ёшга нисбатан жусаси кичкина бола-

кайга қаради-да, С а н д р а н и н г ростгўйлигига тан бериб:

— Хоним, тўнғичингизнинг ёшини айтмай, текинга ичкарига олиб киришингиз мумкин эди. Мен ҳатто буни фаҳмамасдим ҳам, — деди.

— Эҳтимол, лекин ўзининг неча ёшдалигини биладиган болам гапимнинг ёлғонлигини дарҳол илғаган бўларди. Мен ҳозир унинг олдига ёлғон сўзласам, эртага у ёлғонни сув қилиб ичиб юборадиган даражада муғомбир бўлиб улғаяди. Қуш уясида кўрганни қилади, синглим. Қош кўяман деб, кўз чиқаришни истамайман. Шундай экан, боламни ёлғон сўзлашга ўргатмаганим маъқул.

Ричард М.Шарп



ГЎЗАЛЛИК — ПОКЛИКДАН

Жалолiddин Румий ҳикматлари



Ичингни ташингдан ҳам кўра кўпроқ покла, обод қил, чунки ташингни халқ (маҳлуқ) кўради, ичингга Аллоҳ (халиқ) кўради...
* * *

Жохил киши қараб туриб гулнинг гўзаллигини кўрмас, тиконларига тикилур.
* * *

Инсон бир дарё кабидир, сатҳи кўриниб туради, тубида не бўронлар кўпар, не пўртаналар тошар, сўзламас, жимгина оқар ва кетар...
* * *

Адолат недур? Гулни суғормоқдир.
Зулм недур? Тиконларни суғормоқдир.
* * *

Ҳаёт олганинг қадар нафасдир, ҳаёт қолганинг қадар кафасдир, ҳаёт толғунинг қадар хавасдир...
* * *

Роббингга қараб: «Менинг буюк дардим бор»,
дема, дардингга қараб: «Менинг буюк Роббим бор», дегин...
* * *

Гулнинг гўзаллиги — уруғининг поклигидан,
инсоннинг гўзаллиги қалбининг поклигидандир.
* * *

Ишқни бийрон сайраётган булбулдан эмас,
сассиз-садосиз жон бераётган парвоналардан сўра.

Карим БАХРИЕВ
таржимаси.

ИНТЕЛЛЕКТ

ЭКСПЕРИМЕНТ

Болония университети психологлари бир эксперимент ўтказишган. Унга кўра, бир вазиятда иштирокчилар кўшишни осонгина бажаришган, бошқа ҳолатда эса айиришни. Олимлар бу ҳолатни эксперимент бошланишидан олдинок иштирокчиларнинг кўшиш ёки айиришга руҳан тайёрлиги билан боғлашган.

Савол: эксперимент иштирокчилари бунгача қаерда бўлишган эди?

Жавобларни қуйидаги манзилга жўнатинг:

E-mail: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84

23-сондаги саволнинг жавоби: Бундай тақвимни тузруқхонада учратиш мумкин. Ундаги кўк ранг – ўғил, қизил ранг – қиз чақалоқ тузилганини билдиради.

ПАЗАНДАЛИК

Нонушта учун ширинлик

Бугун сизга тез тайёрласа бўладиган оддий, аммо ғайриоддий пирожний рецептини тақдим этамиз. Бундай пирожний жуда мазали ва юмшоқ бўлиб чиқади. Ушбу ширинлик сизнинг нонуштангизни мукамал даражада хилма-хил қилади.

Масаллиқлар: 3 дона тухум, 100 грамм шакар, 2 чой қошиқ ванил шакари, 2 чой қошиқ қабартма (разрихлител), бир чимдим туз, 2 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 145 грамм ун, 100 грамм қуюлтирилган сут, 50 грамм исталган шоколад, устига сепиш учун майдаланган ёнғоқ.



Тайёрланиши:

Идишда тухум ва шакарни блендер ёрдамида кўпиртирамиз. Сўнгра бир чимдим туз, ванил шакари, қабартма солиб, яна 1 дақиқа кўпиртирамиз. Ҳосил бўлган масаллиққа ун солиб, яхшилаб

кўпиртирамиз. Сўнгра ўсимлик ёғи солиб, яна 1 дақиқа кўпиртирамиз.

Товани ёғлаб, қиздираамиз. Қизиган товага 0,5 ош қошиқдан хамир солиб, ўртачадан пастроқ оловда икки тарафлама кизартириб, ковураамиз.

Совуган пирожнийларга қуюлтирилган сут суртиб, иккитасини бириктираамиз. Ёнларига ҳам қуюлтирилган сут суртиб, майдаланган ёнғоққа буркаб оламиз.

Устини эритилган шоколад билан безатамиз.

Ёқимли иштаҳа!

Ситора ОМОНОВА

Саҳифани Дилафрўз Ҳамдамова тайёрлади.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темура 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-627
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Алади: 1 266 нусха.

Нарҳи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



123456